

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛАЕВ ДИЛМУРОД ШАРИФОВИЧ

**ОҒИЗ БЎШЛИҒИДА ДОРИ МОДДАЛАР КЕЛТИРИБ ЧИҚАРАДИГАН
(ИНДУЦИРЛАНГАН) ҲОЛАТЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ,
ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШГА КОМПЛЕКС ЁНДАШИШ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2025

УДК: 616.314-76:616.314-089-843 [-036.8:616.379-008.64

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of the abstract of doctoral dissertation (DSc)

Абдуллаев Дилмурод Шарифович

Оғиз бўшлиғида дори моддалар келтириб

чиқарадиган (индуцирланган) ҳолатларни олдини олиш,

ташхислаш ва даволашга комплекс ёндашиш 3

Абдуллаев Дилмурод Шарифович

Комплексный подход к профилактике, диагностике

и лечении лекарственно-индуцированных проявлении

в полости рта у больных с сопутствующими заболеваниями 27

Abdullaev Dilmurod Sharifovich

A comprehensive approach to the prevention,

diagnosis, and treatment of drug-induced manifestations in the oral cavity in

patients with comorbidities 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 56

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛАЕВ ДИЛМУРОД ШАРИФОВИЧ

**ОҒИЗ БЎШЛИҒИДА ДОРИ МОДДАЛАР КЕЛТИРИБ ЧИҚАРАДИГАН
(ИНДУЦИРЛАНГАН) ҲОЛАТЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ,
ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШГА КОМПЛЕКС ЁНДАШИШ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2025

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.3.DSc/Tib739 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.sammu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслахатчи:

Ризаев Жасур Алимжанович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Зойиров Тўлқин Элназарович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Хожиметов Абдуғаффор Абдуаҳадович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Шукпаров Асилбек Баядилович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Абу Али ибни Сино номидаги Тожикистон давлат тиббиёт университети (Тожикистон Республикаси)

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «___» _____ куни соат ____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, А.Темур кўчаси, 18-уй. Тел./факс: (+99866) 233–30–34; e-mail: ilmiyprorektori@sammu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, А.Темур кўчаси, 18-уй. Тел./факс: (+99866) 233–30–34).

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2025 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ғ.У. Лутфуллаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси
ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори,
профессор

Ғ.У. Самиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

М.Т. Насретдинова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
ҳузуридаги Илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Оғиз бўшлиғи ўзининг анатомио-функционал хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, инсон организмнинг гомеостазини шакллантирувчи функционал тизимлардан бири сифатида қабул қилинган. Афсуски, бугунги кунда стоматологик ёрдам сўраб мурожаат қилган беморларнинг анамнези ўрганилганда 75-80% дан ортик беморларнинг тишлари, оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати, сўлак безлари тўқималарининг патологик ўзгаришлари билан биргаликда бир, баъзан бир нечта у ёки бу соматик патологиялар мавжудлиги аниқланди (А.А. Исмоилов, Г.Г. Амуров., 2012). Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ, 2015) маълумотларига кўра, «...оғиз бўшлиғи саломатлиги инсоннинг умумий саломатлиги ва ҳаёт сифатининг асосий кўрсаткичларидан бири бўлиб, 33-44 ёшдаги аҳоли орасида оғиз бўшлиғи касалликларининг тарқалганлиги 65-98% га тенг...»¹. Замонавий стоматологиянинг долзарб муаммоси бўлиб, соматик касалликлари бўлган беморларда оғиз бўшлиғи касалликларини олдини олиш ва даволаш усуллариини такомиллаштириш ҳисобланади.

Жаҳонда соматик касалликларни даволаш натижасида оғиз бўшлиғида юзага келадиган ўзгаришларнинг ривожланишини ўрганиш бўйича кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Соматик касалликларни даволаш, турли таъсир доирасига мансуб бир нечта дори воситаларини қўллашни ўз ичига олади. Ушбу фактга асосланиб, оғиз бўшлиғида аниқланган патологик белгилар даволаш натижасида ёки қабул қилинган дори воситаларининг метаболик маҳсулотлари таъсирида, дорилар таркибидаги турли хил консервантлар ва қўшимча моддаларининг таъсирида ёки ўтказилган даволашга нисбатан маҳаллий жавоб реакциясини келиб чиқиши бўлиши мумкин деган ҳулосага келиш мумкин (Т.П. Вавилова. ва бошқалар, 2018; И.А. Горбачева, Л.А. Шестакова., 2008). Афсуски, бугунги кунда асосий касалликка ёндош бўлган касалликларга чалинган беморларда, айниқса, коморбидлик ҳолатида кўп турдаги тизимли дори воситаларини бир вақтнинг ўзида тавсия этиш туфайли полипрагмазия юзага келмоқда. Ушбу ҳолатдан келиб чиқиб, оғиз бўшлиғи тўқималаридаги ўзгаришларга нима сабаб, ёндош касалликлар ёки турли фармокологик гуруҳларга кирувчи дори воситаларини таъсирими, деган масалани аниқлаш долзарб бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини халқаро стандартларга мослаштириш бўйича мақсадли амалий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада, «...тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усуллариини жорий этиш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалар асосий соматик касалликка ёндош бўлган касалликлари бўлган беморларда, шу жумладан, коморбидлик ҳолатида беморларни стоматологик ташхислаш ва даволаш бўйича замонавий тиббий

¹ WHO. World health statistics, 2015

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5590-сон Фармони

хизматлар даражасини оширишга ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатишда замонавий технологиялардан фойдаланишни такомиллаштириш орқали этиопатогенетик даволаш частотасини камайтиришга ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022 – 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 16-мартдаги ПҚ-4985-сон “Шошилиш тиббий ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³. Бугунги кунга қадар янги инновацион даволаш алгоритмларини ишлаб чиқиш билан тизимли патологияларни ўрганиш бўйича кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан: Harvard Medical School (АҚШ), Стенфорд университети (АҚШ), Окленд университети Миллий маркази (Янги Зеландия), Сан-Рафаэл илмий институтининг тизимли патология кафедраси (Италия), Империял клиникаси (Лондон), Калифорния институти Дэвид Геффен номидаги тиббиёт мактаби (Лос-Анжелес), Лондон гигиена ва тропик тиббиёт мактаби (Буюк Британия), Ройал Бромптон и Хэрфилд NHS Траст фонди (Буюк Британия), Бутун Ҳиндистон тиббиёт фанлари институти (АИМС), Сингапур Миллий университети, Сеченов номидаги Россия университети (Россия Федерацияси), С.Д. Асфендияров номидаги ҚазНМУ (Қозғистон), Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш маркази, Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт Кардиология маркази, Тошкент давлат стоматология институти, Самарқанд давлат тиббиёт университети (Ўзбекистон) ва бошқалар.

Бутун дунёда соматик касалликларнинг оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватига таъсири, диагностика хусусиятлари, даволаш усуллари ўрганиш бўйича кенг қўламли тадқиқот ишлари олиб борилмоқда, жумладан: ошқозон ичак касалликларининг оғиз бўшлиғига таъсири ўрганилган (Широз тиббиёт Университети, Эрон); оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватининг дори-моддалар таъсирида шикастланиши тадқиқотлари (Санкт-Петербург давлат педиатрия тиббиёт университети, Россия Федерацияси); Оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватига юрак қон

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: www.pku.edu.cn, www.qdu.edu.cn, www.cgu.edu.tw, www.usj.edu.lb, www.umed.wroc.pl, www.ku.dk, www.snu.ac.kr, www.yonsei.ac.kr, www.ngt.ndu.ac.jp, www.unife.it, www.univaq.it, www.unibs.it, www.udea.edu.co, www.otago.ac.nz, www.iau.ac.ir, www.manchester.ac.uk, www.sydney.edu.au, www.cu.edu.eg, www.ufrj.br, www.uva.nl, www.portal.estacio.br, www.uwa.edu.au, www.unesp.br, www.khu.ac.kr, www.tmu.edu.tw, www.tsdi.uz ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

томир касалликлари дори-моддаларининг таъсирини ўрганиш (Оғиз бўшлиғи биологияси ассоциацияси, Америка қўшма штатлари); Бир нечта касалликлар системасида сўлак таркиби диагностикаси (Колумбия Университети, Америка қўшма штатлари); Фармокологик терапиядан сўнг стоматологик ўзгаришлар (Москва давлат тиббиёт университети, Россия Федерацияси); пародонт тўқималарига коморбид ва соматик касалликларини боғлиқликларини ўрганиш (Самара давлат тиббиёт университети, Россия Федерацияси), Инсон ички органларининг бузилишлари билан бирга юзага келадиган касалликларнинг оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватидаги ўзгаришларга таъсири (Тошкент давлат стоматология институти, Самарқанд давлат тиббиёт университети, Ўзбекистон).

Муамммонинг ўрганилганлик даражаси. Стоматологик касалликларни фақат оғиз бўшлиғига хос бўлган касалликлар сифатида кўриб чиқиш нотўғридир ва яқинда ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, оғиз бўшлиғи ва умуман тананинг ҳолати ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик мавжуд. M. Farrell, Merkley V.F., Nafiza I. (2023) ўз тадқиқотларида 35-40 ёшгача бўлган беморларда ўртача коморбидлик 50-56% ташкил этса, 50-55 ёшдан ошган беморлар гуруҳида қўшимча касаллик билан касалланиш даражаси 90% га ва 75 ёшдан ошган деярли барча беморлар (98-99%) поликоморбид касалликлар билан касалланади, деган хулосага келишди.

С.И. Гажва (2013), Г.В. Губанова (2015) ва бошқалар томонидан олинган маълумотлар жуда қизиқ: 35 ёшдан ошган беморларнинг ўртача 92,5% соматик патология борлиги аниқланган ва беморларнинг 1/3 қисмида патологиянинг коморбидлик белгилари аниқланган. Bhateja (2012), A. Maryam ad al. (2015) маълумотларига кўра, 1300 реципиентдан иборат катта популяция гуруҳида тадқиқот ўтказилган, бунда стоматологик беморларнинг деярли ярми ёндош касалликларга эга эканлигини ва беморнинг ёши қанчалик катта бўлса, ушбу патологиянинг белгилари шунчалик аниқ бўлиб, ўрганилган беморларнинг 25%да поликоморбидлик ҳолати аниқланган. Бундан ташқари, муаллифлар таъкидлаганидек, касалликлар сони ёшларда 2,8 дан 75 ёшдан ошган одамларда 6-7 та касалликгача ўзгариб туради.

Мамлакатимизда бир қатор олимлар экспериментал ва клиник тадқиқотларда ёндош касалликлар, ҳамда бошқа патологиялар даволаниш жараёнлари билан боғлиқ бўлган оғиз бўшлиғидаги ўзгаришларни ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб бордилар. Оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватининг зарарланиши диагностикаси ва даволаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди (Камилов Х.П., Рахимова М.А., 2023; Ибрагимова М.Х., Камилова А.З., 2022); COVID-19 да оғиз бўшлиғининг микробиологик ҳолати ўрганилди (Ризаев Ж.А., Кубаев А.С., 2020; Акбаров А. Н. Мадаминова Н.С., 2021; Шарипов С.С., 2023), аммо оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати касалликларининг тарқалиши ва дори моддалар келтириб чиқарадиган ҳолатлар батафсил ўрганилмаган.

Эришилган муваффақиятларга қарамай, мамлакатимизда оғиз бўшлиғи касалликларини эрта ташхислаш ва касаллик патогенезига йўналтирилган даволаш усуллари бўйича қатор долзарб муаммолар мавжуд. Шунингдек, ҳолатнинг коморбидлигини ва бир қатор дори воситаларини қўллашни ҳисобга олган ҳолда ушбу гуруҳдаги беморларни комплекс стоматологик даволашни

амалга ошириш баҳсли масала бўлиб қолмоқда. Стоматолог-шифокор олдида ёндош ички аъзолар патологияси мавжуд беморларда оғиз бўшлиғи касалликларини эрта ва дифференциал ташхислаш, даволаш ва натижаларни мониторинг қилиш усулларини ишлаб чиқиш вазифаси туради.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Самарқанд Давлат тиббиёт университетининг 011900258 сонли “Юз-жағ соҳасининг шикастланиши, нуқсонлари, деформациялари ва яллиғланиш касалликлари бўлган беморларни ташхислаш, даволаш ва реабилитация қилишнинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш” илмий тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган (2019-2023 йй).

Тадқиқотнинг мақсади: ёндош касалликларда дорилар келтириб чиқарадиган оғиз бўшлиғидаги патологик ўзгаришларни ташхислаш усулларини такомиллаштириш орқали уларни олдини олиш усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ошқозон-ичак ва юрак-қон томир патологиялари бўлган беморларда сўлак кўрсаткичлари асосида оғиз бўшлиғи касалликларининг намоён бўлиш хусусиятларини ўрганиш;

ошқозон-ичак ва юрак-қон томир тизимида поликоморбид патологияси бўлган беморларда, қабул қилинган дориларнинг қон плазмаси ва аралаш сўлакнинг, биокимёвий ва иммунологик параметрларига таъсир даражасини баҳолаш;

стоматологик ҳолат ва фармокологик даволаш натижалари, ҳамда аралаш сўлак ва қон плазмаси кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқларни хроматомасс-спектрометрия таҳлилларда ўрганиш;

хроматомасс-спектрометрия усулидан фойдаланиб, аралаш сўлак ва қонда дори воситалари ёки уларнинг метаболитлари концентрациясини аниқлаш имкониятини ўрганиш;

видеогастроскопия ва аралаш сўлак суюқлиги кўрсаткич натижаларини ўрганиш ёрдамида, оғиз бўшлиғи тўқималарида қўшимча касалликлар ва шикастланишларни аниқлашнинг объектив усулларини ишлаб чиқиш;

дори моддаларни қабул қилишда оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватида содир бўладиган метаболитик жараёнлар тўғрисидаги маълумотларни ҳисобга олган ҳолда, оғиз бўшлиғида дори моддалар қабулидан кейин келиб чиқадиган ҳолатларни эрта ташхислаш ва даволаш- профилактика дастурини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида, 2020-2023-йилларда Тошкент тиббиёт академияси 3-клиникаси терапия ва кардиология бўлими, Самарқанд вилояти стоматология поликлиникаси ва Тошкент давлат стоматология институти клиникасига стоматологик ёрдам билан мурожаат қилган 311 нафар (ошқозон-ичак тракти касалликлари бўлган 140 нафар, юрак-қон томир тизими касалликлари бўлган 138 нафар ва ёндош соматик касалликлари бўлмаган 33 нафар) бемор олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида беморларнинг стоматологик ҳолати, шунингдек, беморларнинг қон ва оғиз суюқлигининг иммуно-биокимёвий

кўрсаткичлари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Қўйилган вазифаларни бажариш мақсадида клиник, лаборатор (спектрофотометрик, суюқ хромато-масс-спектрометрия, фермент иммунофермент таҳлили), микробиологик ва статистик статистик тадқиқот усуллари қўлланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор, бир ёки бир нечта соматик касалликларга чалинган беморларда турли фармакологик гуруҳлар дори воситаларининг таъсирида оғиз бўшлиғи юмшоқ ва қаттиқ тўқималарида индуцирланган патологик ўзгаришларининг қиёсий таҳлили асосланган;

коморбид патология мавжуд беморларнинг оғиз бўшлиғи юмшоқ ва қаттиқ тўқималари клиник кўриниши, уларнинг қон ва оғиз суюқлигининг биокимёвий кўрсаткичлари, шунингдек сўлакнинг элементар таркиби ва сўлак ажралиши билан ўзаро корреляцион боғлиқлиги исботланган;

илк бор, ошқозон-ичак ва юрак-қон томир тизимининг соматик касалликлари билан оғриган беморларда сўлакдаги турли таъсир гуруҳидаги дорилар концентрациясининг ўзгариш динамикаси, дориларнинг миқдори тўғридан-тўғри кунлик қабул қилишига тугри боғлиқлиги ҳамда қон оқсиллари қўшилиш натижасида пайдо бўлган гаптенлар миқдори ошишига боғлиқлиги исботланган;

ошқозон-ичак ва юрак-қон томир тизимининг соматик касалликлари билан оғриган ва ҳар хил гуруҳ дори воситаларини истемол қиладиган беморлар оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватида атрофик ва гиперпластик ўзгаришлар, колаверсатилнинг шиллиқ қавати юзасида ёриқлар, бурмалар, унинг юзасида қарашлар борлиги, шунингдек, макроглоссия белгилари аниқланган;

илк бор, турли даражадаги соматик ва коморбид патологияси бўлган беморларда қиёсий рентгенофлюоресцент таҳлил усули ёрдамида аралаш сўлак биоптатларнинг кимёвий таркиби, қон ва сўлакдаги цитокинлар миқдори, айниқса биринчи навбатида ИЛ-6 ва Д-димер кўрсаткичлари ошиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

соматик ва поликоморбид патологиялари бўлган беморларда оғиз бўшлиғи тўқималарининг тузилмаларида дори-дармонлар таъсирида патологик ўзгаришларнинг шаклланиши, касалликларни тасдиқловчи кўрсаткичларни аниқлаб борилиши, асоратларни олдини олишда ҳамда патогенетик даво буюрилишида алоҳида аҳамият касб этиши исботланган;

ошқозон-ичак ва юрак-қон томир тизимининг бирга кечадиган соматик патологияси фонида, пародонт ҳамда оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватининг стоматологик касалликларини патогенетик асосланган даволаш схемаларининг самарадорлиги кўрсатилган;

оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати ва пародонт комплекс тузилмалари касалликларининг оғирлигини баҳолашда суюқ ҳамда газ хроматографияси кўринишидаги замонавий диагностика усулларида фойдаланиш самарадорлиги исботланган;

профилактика усули ишлаб чиқилган ва оғиз бўшлиғи касалликларини даволаш самарадорлиги сўлак диагностикаси усулларида фойдаланган ҳолда

исботланган;

масс-спектрометр ёрдамида суюқ хроматография усулининг самарадорлиги фармакологик терапия ўтказилаётган беморларнинг тиш ҳолатини баҳолашда исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги беморларнинг етарли миқдори, тадқиқотда замонавий усул ва ёндашувлардан фойдаланиш, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мувофиқлиги, текширувларнинг услубий аниқлиги, объектив клиник, функционал, стоматологик, лаборатория ва статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати ва пародонт шиллиқ қаватидаги ўзгаришларни ташхислаш ва даволаш натижаларининг ўзига хос хусусиятлари халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, ҳулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, соматик касалликларни даволаниш негизида кечувчи оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати касалликларини текшириш натижалари, маълумотлари нафақат ушбу тоифа беморларда оғиз бўшлиғи юмшоқ ва қаттиқ тўқималарнинг шикастланиш механизмларини тушунишга имкон яратилганига, ҳамда аниқланган ўзгаришларни коррекциялашнинг мақсадга мувофиқлигини исботланишидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ошқозон-ичак ва юрак-қон томир тизимининг ёндош касалликларида оғиз бўшлиғи касалликларида видеогастроскопия ва аралаш сўлак суюқлиги кўрсаткич натижаларини қўллаш орқали эрта ташхислаш, оғиз бўшлиғидаги патологик ўзгаришларни ўз вақтида даволаш, патогенетик йўналтирилган терапиянинг тавсия этилган схемалари самарали натижаларга эришиш имконини беради. Бу ўз навбатида, аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилаш, ногиронлик даражасини камайтиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг илмий-тадқиқот ишлари натижаларини амалиётга тадбиғи бўйича 2025 йил 10 июндаги 19/29-сон ҳулосасига кўра:

биринчи илмий янгилик: бир ёки бир нечта соматик касалликларга чалинган беморларда турли фармакологик гуруҳлар дори воситаларининг таъсирида оғиз бўшлиғи юмшоқ ва қаттиқ тўқималарида индуцирланган патологик ўзгаришларининг қиёсий таҳлил келтирилган; *Илмий янгиликнинг аҳамияти.* турли фармакологик гуруҳлар дори воситаларининг таъсирида патологик асоратларнинг эрта дагностикаси ва прогнозлаш. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* олинган илмий-амалий маълумотлар, хусусан, Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам клиник шифоҳонаси бўйича буйруқ (25.12.2024 й.; №180), Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникаси бўйича буйруқ (26.12.2024 й.; №175) билан клиник амалиётга тадбиқ этилди. *Ижтимоий самарадорлиги* фармакологик гуруҳлар дори воситаларининг

таъсирида оғиз бўшлиғи патологик ўзгаришлар асосаратларни олдинни олиш. *Иқтисодий самарадорлиги:* оғиз бўшлиғидаги ўзгаришларни эрта ва аниқ ташхислаш орқали оғиз бўшлиғида дори моддалар келтириб чиқарадиган ҳолатларни профилактикаси самарадорлигини оширади.

иккинчи илмий янгилик: коморбид патология мавжуд беморларнинг оғиз бўшлиғи юмшоқ ва қаттиқ тўқималари клиник кўриниши, уларнинг қон ва оғиз суюқлигининг биокимёвий кўрсаткичлари, шунингдек сўлакнинг элементар таркиби ва сўлак ажралиши билан ўзаро корреляцион боғлиқлиги исботланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* коморбид патологияси мавжуд беморларнинг даволанишдан кейинги асоратларни эрта олдини олиш, клиник ёндашувни ўзгартириш. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* олинган илмий-амалий маълумотлар, хусусан, Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам клиник шифоҳонаси бўйича буйруқ (25.12.2024 й.; №180), Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникаси бўйича буйруқ (26.12.2024 й.; №175) билан клиник амалиётга тадбиқ этилди. *Ижтимоий самарадорлиги* сўлак диагностикаси усулларида фойдаланган ҳолда оғиз бўшлиғи касалликларини олдинни олиш. *Иқтисодий самарадорлиги:* оғиз бўшлиғидаги ўзгаришларни ўз вақтида санація қилиш ва манзилли профилактика тадбирларини тайинлаш имконини беради, бу эса асоратларни қимматбаҳо даволаш эҳтиёжни сезиларли даражада камайтиради.

учинчи илмий янгилик: ошқозон-ичак ва юрак-қон томир тизимининг соматик патологиялари билан оғриган беморларда суюқли ва газли хроматомасс-спектрометрия усули орқали аралаш сўлакдаги турли таъсир синфидаги дорилар концентрациясининг ўзгариш динамикаси, ҳамда қон оқсиллари қўшилиш натижасида пайдо бўлган гаптенлар миқдори ошганлиги аниқлаган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* масс-спектрометр ёрдамида суюқ хроматография усулининг самарадорлиги фармакологик терапия ўтказилаётган беморларнинг тиш ҳолатини баҳолашда зарурлигини таъкидлайди. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* олинган илмий-амалий маълумотлар, хусусан, Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам клиник шифоҳонаси бўйича буйруқ (25.12.2024 й.; №180), Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникаси бўйича буйруқ (26.12.2024 й.; №175) билан клиник амалиётга тадбиқ этилди. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* ошқозон-ичак ва юрак-қон томир тизимининг соматик патологиялари бўлган беморларда суюқли ва газли хроматомасс-спектрометрия усули орқали аралаш сўлакдаги турли таъсир синфидаги дорилар концентрациясининг ўзгариш динамикаси, ҳамда қон оқсиллари қўшилиш натижасида пайдо бўлган гаптенлар миқдори ошганлиги аниқлашга ёрдам беради. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* оғиз бўшлиғидаги ўзгаришларни эрта ва аниқ ташхислаш орқали оғиз бўшлиғида дори моддалар келтириб чиқарадиган ҳолатларни профилактикаси самарадорлигини оширади.

тўртинчи илмий янгилик: оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватида дори моддалар келтириб чиқарадиган патологик ҳолатларни даволанишида ва асоратларни ривожланиш хавфини олдини олиш учун илк бор таркибида бензидамин гидрохлорид мавжуд “Тантум®Верде” препарати самаралиги аниқланган; *Илмий*

янгиликнинг аҳамияти: “Тантум®Верде” препаратини қўллаш сўлак суюқлигининг таркибига, айниқса коморбид патологияси бўлган, дори воситалари келтириб чиқарадиган касалликлари бўлган беморларда ферментларга сезиларли таъсир кўрсатди. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* олинган илмий-амалий маълумотлар, хусусан, Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам клиник шифохонаси бўйича буйруқ (25.12.2024 й.; №180), Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникаси бўйича буйруқ (26.12.2024 й.; №175) билан клиник амалиётга тадбиқ этилди. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* «Тантум® Верде» препаратни қабул қилишдан кейин айрим ҳолларда сўлакнинг рН даражаси пасайиши ёки ошиши, ажралиш ҳажмининг сезиларли ўсиши ва кальций, магний, хлор ионлари концентрациясида статистик аҳамиятли ўзгаришлар кузатилган (* $p < 0,05$). Бу ўзгаришлар «Тантум® Верде» препарати сўлак секрецияси ва унинг электролит таркибига таъсир қилишини кўрсатади. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* оғиз бўшлиғи касалликлари ривожланишини эрта даволаш, препаратнинг самарадорлиги оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватининг ҳолатини яхшиланиши, патологик ўзгарган соҳалар майдонини камайтиради, соғлом тўқималарнинг ҳолатига таъсир қилмайди.

бешинчи илмий янгилик: илк бор, турли даражадаги соматик ва коморбид патологияси бўлган беморларда қиёсий рентгенофлюоресцент таҳлил усули ёрдамида аралаш сўлак биоптатларнинг кимёвий таркиби, қон ва сўлакдаги цитокинлар миқдори, айниқса биринчи навбатида ИЛ-6 ва D-димер кўрсаткичлари ошиши аниқланган; *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* Юрак-қон томир тизими касалликлари бўлган беморларда қонда ИЛ-1 даражасининг 2,3 марта, оғиз суюқлигида 3 марта, қонда ИЛ-6 5,5 марта, оғиз суюқлигида 2,3 бараварга ортиши аниқланган ва оғиз суюқлигидаги лактоферрин даражаси 2 бараварга ва антимикроб дефензин 2,3 бараварга камайган, яъни беморларнинг ушбу гуруҳида микробларга қарши пептидларнинг камайиши фонида яллиғланишга қарши цитокинларнинг устунлиги аниқланган бўлиб, бу оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватининг маҳаллий иммун тизимидаги номутаносиблик ва аутоиммун ҳамда яллиғланиш касалликларининг ривожланишининг сабабларидан бири бўлиши мумкин. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* олинган илмий-амалий маълумотлар, хусусан, Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам клиник шифохонаси бўйича буйруқ (25.12.2024 й.; №180), Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникаси бўйича буйруқ (26.12.2024 й.; №175) билан клиник амалиётга тадбиқ этилди. *Ижтимоий самарадорлиги:* таркибда бензидамин гидрохлорид тутувчи препаратини қабул қилишдан кейин айрим ҳолларда сўлакнинг рН даражаси пасайиши ёки ошиши, ажралиш ҳажмининг сезиларли ўсиши ва кальций, магний, хлор ионлари концентрациясида статистик аҳамиятли ўзгаришлар кузатилган (* $p < 0,05$). Бу ўзгаришлар таркибда бензидамин гидрохлорид тутувчи препарати сўлак секрецияси ва унинг электролит таркибига таъсир қилишини кўрсатади. *Иқтисодий самарадорлиги:* оғиз бўшлиғи касалликлари ривожланишини эрта даволаш, препаратнинг самарадорлиги оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватининг ҳолатини яхшиланиши, патологик ўзгарган соҳалар майдонини камайтиради, соғлом тўқималарнинг ҳолатига таъсир қилмайди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 15 та мақола, жумладан, 9 таси республика ва 6 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, етти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 220 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва муҳимлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети келтирилган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги, илмий янгилик ва амалий тадқиқот натижалари, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, мавзу бўйича чоп этилган мақолалар маълумотлари ва диссертация тузилмаси тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациясининг **“Оғиз бўшлиғида дори моддалар келтириб чиқарадига ҳолатларни ташхислаш, ҳамда даволаш ҳолатларини амалий ва назарий ёндашув (адабиётлар шарҳи)”** деб номланган биринчи бобида стоматологик беморлар оғиз бўшлиғида соматик патологияни коморбид ҳолатда намоён бўлиши, оғиз бўшлиғи яллиғланиш касалликлари ва юрак-қон томир тизимини патологияси ўртасидаги ўзаро боғлиқлик, ошқозон-ичак касалликларида оғиз бўшлиғининг ҳолати тўғрисидаги илмий-амалий маълумотлар таҳлил қилинган. Сўлақни текшириш усуллари ишлаб чиқишнинг замонавий тамойиллари, ички касалликлари мавжуд беморларнинг оғиз бўшлиғида дори воситалари келтириб чиқарадиган касалликлар муҳокама қилинган. Келгусида ўрганишни талаб этадиган дискуссион масалалар келтирилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот материаллари ва усуллари”** деб номланган иккинчи бобида текширилган беморларнинг умумий хусусиятлари ва умумий клиник тадқиқот усуллари асосий тавсифномаси таърифланган.

Ушбу диссертация тадқиқотининг мақсад ва вазифаларига мувофиқ 311 нафар асосий касаллигига ёндош соматик патологияси бўлган беморлар касаллик тарихи, турли хил дори-дармонларни қабул қилишни ўз ичига олган даволаш схемаси билан текширилди. Тошкент тиббиёт академияси клиникасининг гастроэнтерология ва кардиология бўлимида, шунингдек, Самарқанд вилояти стоматология поликлиникаси ва Тошкент давлат стоматология институти клиникасининг поликлиникасида 2020-2023-йилларда даволанган беморлар қамраб олинди. Беморлар ёш диапазони турлича бўлиб, 34 ёшдан 68 ёшгача, ўртача ёш $50,5 \pm 3,64$ ёшни ташкил этди.

Асосий соматик патологияси бўйича беморларнинг гуруҳларга тақсимланиши

Гуруҳлар	Соматик касалликнинг тури	Беморлар сони	Жинс		Ёш
			Э	А	
I -гуруҳ	Ошқозон-ичак касалликлари патологияси	140	74	66	54,9±4,56
II -гуруҳ	Юрак-қон томир касалликлари	138	78	60	57,3±3,78
Назорат гуруҳи	Ёндош касаллиги бўлмаган шахслар	33	17	16	45,0±3,11
	Жами	311	164	137	50,5±3,64

Шунингдек асосий гуруҳлар мавжуд соматик касаллиги бўлган беморларнинг ташхисига ва ёндош касаллиги мавжудлигига кўра кичик гуруҳларга бўлинди:

I А ва II А кичик гуруҳ - фақат битта асосий соматик касаллиги мавжуд бўлган – уноморбид беморлар;

I Б ва II Б кичик гуруҳи – асосий соматик касалликка қўшимча равишда биттадан ортиқ ёндош касаллиги бўлган – коморбид беморлар.

Тадқиқот гуруҳига қўшиш учун қуйидаги танлов мезонларига риоя қилинди: катта ёшдаги беморлар, жинсидан қатъий назар, шифокор назорати остида стационар ва амбулатория шароитида даволанаётган беморлар. Шунингдек, асосий шарт узоқ вақт давомида турли гуруҳдаги дори воситаларини доимий равишда қабул қилиш бўлди. Тадқиқот протоколлари мезонларига асосан қуйидаги беморлар тадқиқот гуруҳларига киритилмаган: ҳар икки жинсдаги саратон касаллиги, ўткир кечаётган асосий касалликларда, гематологик беморлар, юқумли касалликларда, анамнезида спиртли ичимликлар ёки гиёҳванд моддаларни истеъмол қилган беморлар, ҳомиладор ва эмизикли аёллар. Агар беморларда асосий соматик касалликнинг асоратлари аниқланган бўлса, шунингдек бемор ушбу экспериментал тадқиқотда иштирок этишдан бош тортганда, уларни назорат гуруҳидан чиқариб ташланди. Назорат гуруҳига касаллик тарихида ошқозон-ичак, нафас йўллари, эндокрин тизим ёки буйрак патологияларининг тизимли касалликлари белгилари бўлмаган, энг муҳими, охириги 3 йил давомида дори воситаларини қабул қилмаган беморлар киритилди. Стоматологик кўрик вақтида тишлар қаттиқ тўқималарининг зарарланиш белгилари - кариес, унча кўп бўлмаган тиш қарашлари ва тошларининг мавжудлиги аниқланди.

Оғиз бўшлиғининг стоматологик саломатлиги ҳолатини субъектив таҳлил қилиш учун барча гуруҳларда сўровнома ўтказилди. Сўровнома саволлари хорижий амалиётида синалган сўровнома, ҳамда ўз кузатишларимиз асосида тузилган (Григорович Э.Ш., Евтюхина Н.С., Смирнова Л.Е.2023, Nusa С., 2007).

Текширув қуйидагиларни ўз ичига олади: оғиз бўшлиғининг анатомик тузилмалари, вестибуляр қисми ва оғиз бўшлиғининг ўзи. Оғиз бўшлиғи дахлиз қисмини ҳар томонлама баҳолаш амалга оширилди, шу жумладан вестибуланинг чуқурлигини, узангининг бирикиш ҳолатини, милк шиллик қаватининг ранги ва намлигини, тишлаш турини ва травматик окклюзион мавжудлигини аниқлаш ва суперконтактлар, тишлар қаттиқ тўқималарининг ҳолати, пломба ва

чайновларнинг сифати, уларнинг милк чеккаси билан алоқаси, ортиқча ва субгингивал тиш карашларининг мавжудлиги ва тишлар ҳолати ўрганилди.

Оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватидан суртма соматик патологияси бўлган барча кичик гуруҳлардаги беморлардан, касаллик тарихида у ёки бу соматик патологияси бўлмаган шахслардан алоҳида олинди. Микдорий кўрсаткичлар стандарт схема бўйича колониялар сонини шартли birlikдаги субстрат ҳажми билан КОЕ/мл аниқланди.

Диссертациянинг **“Ёндош касалликлари бўлган беморларни клиник текширув натижалари”** деб номланган учинчи бобида ошқозон ичак тизими ва юрак-қон томир касалликлари бўлган беморлар гуруҳида ўтказилган ижтимоий сўровнома натижалари, беморлар оғиз бўшлиғи ҳолатини стоматологик текшируви натижалари келтирилган.

Оғиз бўшлиғидаги ўзгаришлар ҳам ҳар бир гуруҳда алоҳида ўрганилди, оғизнинг қуруқлиги беморларнинг 35,2% да қайд этилди, 30,3% ҳолларда беморлар тил ва милк шиллиқ қаватининг ранги ўзгаришини кўрсатди. Дисгеузия- таъмини идрок этишининг бузилиши белгиларининг мавжудлиги респондентларнинг тахминан 8,0%, оғизда ёниш ҳисси - 9,8% беморлар томонидан қайд этилди. Беморларнинг 6,3%да гиперсаливация белгилари қайд этилди. 9,7% ва 4,5% беморларда милк “ўсиши” ва ярали нуқсонлар ўчоқлари шаклида патологик ўзгаришлар ўчоқлари аниқланди. Респондентларнинг 28,6 фоизи ёмон одатлари мавжудлигини кўрсатди. Ва энг муҳими, ошқозон ичак касалликлари мавжуд беморларнинг деярли ярми (48,4%) тишлар ҳолатидан норозилигини қайд этди.

Ўтказилган сўровномадан маълум бўлдики, I - гуруҳ респондентларининг аксарияти (41,0%) йилига ўртача бир марта тиш шифокорига ташриф буюриш одатига эга; 2-3 йилда бир марта, тахминан 33,0% ва, афсуски, беморларнинг тахминан 26,0% тиш шифокорига ташриф буюришдан бош тортиши аниқланди. II -гуруҳда эса мутахассисга мурожаат қилиш частотаси ҳақидаги саволларга жавоблар ҳам қизиқиш уйғотди ва натижалар шуни кўрсатдики, беморларнинг ярмидан кўпи – 65,0% йилига ўртача 1 марта стоматологга ташриф буюришади. Бундан ташқари, беморларнинг тахминан 35,0% тиш шифокорига режалаштирилган ташрифларни эътиборсиз қолдиради.


Ошқозон патологияси частотаси беморлар ёши бўйича таҳлил қилганда, ошқозон касалликлари 28-41 ёшдаги беморларда, ичак касалликлари эса катта ёшдаги гуруҳларда қайд этилиши аниқланди (2-жадвал).

2-жадвал

Ошқозон ичак патологияси мавжуд беморларнинг касалликлар бўйича тақсимооти

Касалликнинг номи	Беморлар сони
Сурункали гастрит	41
Диафрагманинг қизилўнгач соҳасидаги чурраси	26
Атрофик гастрит	23
Катарал колит	16
Эрозив гастрит	28
Ошқозон ва ўн икки бармоқ ичакнинг пептик яраси	6

Юрак-қон томир (ЮҚТ) тизими касалликлари бўлган беморларнинг касаллик тарихи ўрганилганда қуйидаги ёндош касалликлар аниқланди (1-расм).



1-расм. – ЮҚТ тизими патологияси мавжуд беморларнинг касалликлар бўйича тақсимоти фоизда: ЮИК - юрак ишемик касаллиги; ГК – гипертония касаллиги; АГ - артериал гипертензия; ME - митрал етишмовчилик; ОЮН - орттирилган юрак нуқсони; Н/Т - номаълум таъхис.

ІА-гурухдаги 5 нафар беморда (12%) шиллиқ қаватнинг рангсизлиги аниқланди, ІБ-гурухдаги беморларда 15 ҳолатда (16,2%) шиллиқ қаватнинг рангсизлиги аниқланди. Бундан фарқли ўлароқ, иккала кичик гуруҳдаги беморларда шиллиқ қаватнинг гиперемияланган соҳалари нисбатан кам - мос равишда 8,9% ва 3,0% учради. ІІ гуруҳдаги беморларнинг аксариятида (54,7%) оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати бутун узунлиги бўйлаб рангсиз ва қуруқ. 11,7% ҳолларда шиллиқ қават юзасида ярали нуқсонлар ва эрозив соҳалар аниқланди; Беморларнинг 8,7%и пародонтал тўқималарнинг гиперплазиясига эга (3-жадвал).

3-жадвал.

Ошқозон-ичак ва юрак-қон томир касалликлари касалликлари бўлган беморларда оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватининг ҳолати (%).

ОБ ҳолати	ІА -гуруҳ (n=45)	ІБ-гуруҳ (n=95)	ІІ А - гуруҳ (n=64)	ІІ Б - гуруҳ (n=74)	Назорат гуруҳи (n=33)
Гиперемия	8,9	3,0	8,1	13,5	4,4
Рангсизлик	12,0	16,2	33,2	46,1	9,8
Қуруқлик	15,9	44,1	36,7	54,7	25,3
Яралар, эрозиялар мавжудлиги	7,01	3,1	5,8	11,7	0,8
Гиперплазия	7,14	12,8	0	8,7	6,3

Эслатма: назорат гуруҳи маълумотларига нисбатан $p < 0,05$

Ошқозон-ичак касалликларида коморбид патологиялари мавжуд беморларда энг кўп учрайдиган симптом шиллиқ қаватнинг қуруқлиги (44,1%), кейин оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватининг рангсизлиги (16,2%) ва гиперплазияси (12,8%) бўлди. Органларнинг фақат битта соматик патологияси аниқлан ҳолда, оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватининг қуруқлиги ва гиперплазияси белгилари мос равишда 15,90% ва 7,14% да учради. Соматик ва коморбид патологияси мавжуд беморларда, шиллиқ қават рангидаги ўзгариш, оғиз қуриши белгиларининг

пайдо бўлиши, гиперплазия соҳаларининг мавжудлиги белгиларининг оғирлигига қарамай шиллик қават эрозияси ва яраси битта изоляция қилинган ошқозон-ичак трактининг патологияга эга беморлар гуруҳдан фарқли ўлароқ 7,01% эмас 3,1% га, яъни нисбатан камроқ учради (3-жадвал).

ПА - гуруҳ беморларида тилнинг ён юзаси шиллик қаватини текширганда, тил юзасининг рангсизлиги 33,2% ҳолларда, қараш - 40,2 % ҳолларда, тилнинг ёриқлари - 1,91%, тилдаги бурмалар мавжудлиги - 5,73%, оғиз қуруқлиги 36,7% ҳолларда кузатилди. ПБ - гуруҳда асосан қуйидаги белгилар устунлик қилди: тил юзасининг рангсизлиги 46,1%, тилнинг устки юзасидаги қараш 55,4%, тилнинг катталаниши 1,48%, тилнинг ёриқлари 1,53%, тилдаги бурмалар мавжудлиги 4,28%.

Тадқиқотларга кўра, ошқозон-ичак ва юрак-қон томир касалликлари бўлган беморлар тилининг ҳолатига алоҳида эътибор қаратилди. Улар ошқозон-ичак касалликларига хос ҳолда мавжуд диагностик белгилар - ранги, тил юзасининг ҳолати, тилнинг устки юзасидаги қараш мавжудлиги, ўлчамига кўра баҳоланди (4-жадвал).

4-жадвал.

Ошқозон-ичак ва юрак-қон томир патологияси мавжуд беморларда тил шиллик қаватининг ҳолати (%)

Тил шиллик қаватининг ҳолати	IA - гуруҳ (n=45)	IB - гуруҳ (n=95)	II A - гуруҳ (n=64)	II B - гуруҳ (n=74)	Назорат гуруҳи (n=33)
Тилнинг устки юзасидаги қараш	31,7	26,5	40,2	55,4	38,4
Тил шиллик қавати юзасининг гиперемияси	37,2	24,8	39,8	42,4	12,5
Макроглоссия	11,6	19,6	0	1,48	7,6
Шиллик қаватнинг бурмаланиши	14,0	14,4	5,73	4,28	2,8
Тил юзасидаги ёриқлар	11,6	19,6	1,91	1,53	2,3

Эслатма: назорат гуруҳи маълумотларига нисбатан $p < 0,05$

5-жадвал.

Ошқозон-ичак ва юрак-қон томир касалликлари бўлган беморларда оғиз бўшлиғи пародонт тўқималари ҳолати (%)

Шиллик қаватнинг ҳолати	IA -гуруҳ (n =45)	IB-гуруҳ (n =95)	II A - гуруҳ (n=64)	II B - гуруҳ (n=74)	Назорат гуруҳи (n=33)
Милк сўрғичларидан қон кетиши	14,7	24,2	18,4	29,6	12,4
Милкнинг шиши	11,9	23,5	22,5	36,8	9,8
Тиш қарашлари	61,0	47,4	61,1	67,7	22,3
Зич жойлашган тишлар	12,1	4,1	1,9	2,4	6,2
Милк гиперемияси	12,4	22,1	11,8	19,7	11,4
Милк сўрғичларининг гиперплазияси	2,6	6,4	2,3	5,9	2,9

Эслатма: назорат гуруҳи маълумотларига нисбатан $p < 0,05$

Стоматологик текширув ўтказишда пародонтал комплекс тўқималарининг таркибий қисмларидаги ўзгаришлар 5-жадвалда келтирилган. IA-гуруҳдаги беморларда ошқозон-ичак касалликлари мавжудлигига қарамай, пародонтнинг

ҳолати IB-гуруҳидаги беморларга нисбатан бир оз яхшироқ. Шундай қилиб, ҳар олтинчи беморда тиш зич жойлашуви белгилари аниқланади, бу IA-гуруҳидаги 28 (61,0%) беморларда тош ва қараш мавжудлиги аниқланади. Бундан фарқли ўлароқ, овқат ҳазм қилиш касалликларининг I Б-гуруҳида пародонт тўқималарида аниқ патоморфологик ўзгаришлар кузатилади.

Тишлар қаттиқ тўқималарида кариес бўлмаган жараёнларнинг тарқалиш даражасини тавсифлаш учун биз ПЭЕ (Понасимон нуқсон, Эмал эрозияси, Патологик емирилиш) индексини ўргандик (6-жадвал). ПЭЕ индекс мос равишда 0,34 ва 0,43 ни ташкил этди. Буларнинг барчаси коморбид патологияси мавжуд беморлар I Б-гуруҳида қаттиқ тўқималарнинг нокариоз патологияси интенсивлиги пастлиги кўрсаткичларини тасдиқлади. Юрак-қон томир касалликларининг II А-гуруҳи бўлса, бу ПЭЕ индекси 0,06 бирликни ташкил этди ва II Б-гуруҳи кўрсаткичи 0,07 бирликка га тенг бўлди, шунга қарамай, бу кўрсаткичларнинг барчаси қаттиқ тиш тўқималарининг нокариоз зарарланиши ривожланишининг паст интенсивлигини кўрсатди

6-жадвал.

Ошқозон-ичак ва юрак-қон томир касалликлари бўлган беморлар тишларининг нокариоз шикастланишларини тарқалиши

Гуруҳлар	Сони (n)	Зарарланган тишлар сони, ўртача ($M \pm t$)			ПЭЕ индекси, балл
		Понасимон нуқсон	Эмал эрозияси	Патологик емирилиш	
IA - гуруҳ	45	$3,77 \pm 0,81$	0	$5,74 \pm 0,21$	0,34
IB - гуруҳ	95	$3,54 \pm 0,43$	$3,0 \pm 0,65^{**}$	$7,86 \pm 0,82^*$	0,43
II А - гуруҳ	64	$0,57 \pm 0,02$	$0,57 \pm 0,01$	$0,42 \pm 0,33$	0,06
II Б - гуруҳ	74	$0,95 \pm 0,09^*$	$0,15 \pm 0,04^*$	$0,76 \pm 0,05$	0,07

Эслатма: кичик гуруҳлар ўртасидаги фарқлар $^{**} p < 0,001$ да сезиларли; $^* p < 0,05$

Кариесли жараённинг интенсивлик даражасини кўрсатиш учун биз КПО (кариес, пломба, олинган тишлар) индексини натижалари 7-жадвалда келтирдик. Бу тишларни тавсифловчи стандарт кўрсаткич бўлиб, унга кўра IA-гуруҳида КПО индекси $8,13 \pm 1,92$ ни ташкил этди. IB -гуруҳидаги беморлар КПО индекси $10,21 \pm 1,97$. Ушбу кичик гуруҳда КПО таркибий қисмлари орасида олиб ташланган тишлар сони пломбаланган тишларнинг қийматидан ошган.

7-жадвал.

Ошқозон-ичак ва юрак қон томир касалликлари бўлган текширилган беморларда КПО индексининг қийматлари

Кичик гуруҳлар	Сони (n)	Индекс компонентлари (n)			КПО индекси ($M \pm m$)
		К	П	О	
IA - гуруҳ	45	49	153	148	$8,13 \pm 1,92$
IB - гуруҳ	95	69	221	693	$10,2 \pm 2,03$
II А- гуруҳ	64	10	150	449	$11,7 \pm 2,34$
II Б- гуруҳ	74	13	216	633	$13,2 \pm 1,48$

Эслатма: назорат гуруҳи маълумотларига нисбатан $p < 0,05$

Юрак қон томир касалликларида беморларда КПО индексининг кўрсаткичлари ҳам 7-жадвалда келтирилган. II А-гуруҳда КПО индекси

11,7±2,34 ни ташкил этди. II Б-гурухда тиш кариеси билан касалланиш 57% ни ташкил этди, бу эса КПО индексининг 13,2±1,48 ни ташкил этди. Юрак-қон томир тизимининг II А-гурухдаги касалликлари бўлган беморларда пломбаланган (П) ва олиб ташланган (О) тишлар сони сезиларли даражада ошади, бу эса ўз навбатида КПО параметрларининг ошишига олиб келади. Шунингдек, пломбаланган тишлар сонининг кўрсаткичлари чекувчи беморларни, энг мухими, мултиморбид патологияли беморлар ҳолатига сезиларли даражада боғлиқлигини кўриш мумкин.

Диссертациянинг **“Соматик ва коморбид патологиялари мавжуд беморларда оғиз бўшлиғи суюқлигини иммунологик ва биокимёвий текшириш натижалари”** деб номланган тўртинчи бобида соматик ва коморбид касалликлари бўлган беморларда аралаш сўлак параметрларини, аралаш сўлак суюқлигини йиғиш ва уни секреция тезлигини аниқлаш, ошқозон-ичак касалликлари бўлган беморларда аралаш сўлакнинг иммунологик хусусиятлари, овқат ҳазм қилиш аъзоларининг касалликлари бўлган беморларда аралаш сўлакнинг биокимёвий кўрсаткичларидаги ўзгаришларнинг табиати, юрак-қон томир касалликлари бўлган беморларда аралаш сўлак параметрларини ўрганиш натижалари тақдим этилган.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, биз аралаш сўлакни текширдик. Сўлак намуналари барча беморлардан умумий қабул қилинган усулда - сўлак йиғиш усулида, махсус стерил найчаларга олинди, бунда сўлак ҳажми камида 10 мл бўлиши керак. Сўлак оч қоринга 5 минут давомида аниқланади, сўнгра вақт ўтиши билан стимулланмаган аралаш сўлакнинг умумий ҳажми 10 мл да ажратиб олинади. Секреция тезлиги аралаш сўлакнинг ҳосил бўлган ҳажмини (V, мл) уни йиғиш вақтига (t, мин) бўлиш йўли билан аниқланди:

$$S_{сл} = \frac{V \text{ (мл)}}{t \text{ (мин)}}$$

Бу ерда, $S_{сл}$ - сўлак оқиш тезлиги, $V \text{ (мл)}$ - чиқарилган сўлак суюқлиги ҳажми, $t \text{ (мин)}$ - сўлак йиғишнинг умумий вақти.

Бизнинг тадқиқотларимиз, ошқозон-ичак касалликлари билан оғриган беморларда аралаш сўлакда ИЛ-1 α концентрациясининг соғлом беморларга нисбатан ўртача 3,6 баравар ошишини кўрсатди. Ошқозон-ичак касалликлари билан оғриган беморларда қонда ИЛ-1 α нинг юқори даражаси сурункали яллиғланиш жараёнининг ривожланишини кўрсатади(8-жадвал).

Ошқозон-ичак ва юрак қон-томир касалликлари бўлган беморлар гуруҳида ИЛ-8 цитокин кўрсаткичи назорат гуруҳидаги кўрсаткичлардан деярли 3 баравар юқорилиги билан намоён бўлади. Шунингдек, TNF- α нинг ўртача 1,6 баравар кўпайиши кузатилади, яъни, ўсимта некрози омили α , унинг қийматининг ўзгариши гастродуоденал соҳанинг шиллиқ қаватида яллиғланиш жараёнларининг кучайишига олиб келади. Бироқ биз бу кўрсаткичнинг сезиларли даражада ошиши остеобластларнинг остеоформация қилувчи функцияси ва остеокластларнинг остеодеструктив функцияси ўртасидаги

мувозанат бузилишига, яъни гиперактивланишига олиб келади деб ҳисоблаймиз. Интерлейкин-4 даражасининг таққослаш гуруҳига нисбатан 23% га камайганлигини кўрсатади. Шу билан бирга, текширилган беморларда аралаш сўлакдаги ИЛ-6 даражаси бошланғич даражадан 2,4 марта ошиб кетган. ИЛ-1 концентрациясининг назорат гуруҳига нисбатан 2,4 баробар ошишини кўрсатди. Бу ҳолат яллиғланиш жараёнининг интенсивлигини акс эттиради.

8-жадвал.

Ошқозон-ичак ва юрак қон-томир касалликлари бўлган беморларда аралаш сўлакнинг цитокин ҳолатининг кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи (n=33)	Ошқозон-ичак касалликлари (n=140)	Юрак қон-томир касалликлари (n=138)
TNF- α (пг/мл)	12,45 \pm 1,34	19,36 \pm 0,98*	21,23 \pm 0,18*
ИЛ-1P (пг/мл)	13,58 \pm 1,24	48,46 \pm 3,68*	55,52 \pm 2,45*
ИЛ-6 (пг/мл)	23,14 \pm 1,15	55,81 \pm 0,35*	57,39 \pm 0,52*
ИЛ-8 (пг/мл)	816,24 \pm 18,64	2553,14 \pm 190,72	1985,64 \pm 86,02
ИЛ-4 (пг/мл)	10,71 \pm 1,04	8,21 \pm 7,2	6,98 \pm 8,6
ИЛ-10 (пг/мл)	12,21 \pm 0,78	6,03 \pm 0,45*	8,32 \pm 7,2
Алфа- дефензинлар 1-3 (нг/мл)	984,2 \pm 16,71	547,46 \pm 16,53*	621,54 \pm 12,14*

Эслатма: * назорат гуруҳи маълумотларига нисбатан $p < 0,05$

Беморларди оғиз бўшлиғи тўқималарининг клиник текширувидан ташқари, оғиз бўшлиғида содир бўлган ўзгаришларни акс эттирувчи аралаш сўлак текширилди (9-жадвал).

9-жадвал.

Ошқозон-ичак касалликлари ва юрак қон-томир касалликлари бўлган беморларда аралаш сўлакнинг кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи n=33	ОИК касалликлари (n=140)	ЮҚТ касалликлари (n=138)
Умумий оксил (г/л)	3,48 \pm 0,57	10,87 \pm 0,14*	8,8 \pm 2,13*
Лактат дегидрогеназа (ИУ/л)	111,43 \pm 35,5	245,67 \pm 12,9*	259 \pm 48,55*
Ишқорий фосфатаза (ИУ/л)	21,48 \pm 4,00	39,78 \pm 4,13*	197,5 \pm 75,05*
АСТ (ИУ/л)	31,16 \pm 2,67	64,82 \pm 5,74*	66,15 \pm 5,61*
АЛТ (ИУ/л)	27,24 \pm 5,61	52,48 \pm 4,72*	47,35 \pm 9,72*
Кальций (ммол /л)	0,66 \pm 0,05	0,777 \pm 0,02*	0,78 \pm 0,04*
D- димер (нг/мл)	17,5 \pm 3,60	224 \pm 73,8**	232 \pm 98,7**

Эслатма: * $p < 0,05$ назорат гуруҳи маълумотларига нисбатан, ** $p < 0,001$ да сезиларли.

